

Ҳаётга қарши жиноятлар



Қийнаш

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси янги Конституциясининг 26-моддасида ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, бошқа ғайриинсоний ёки инсон қадр-қимматини камситувчи муомилага ёки жазога дучор этилиши мумкин эмаслиги белгиланган.

Жиноят ҳуқуқида қийнашнинг **бевосита объекти** жабрланувчининг соғлиғи ёки жисмоний дахлсизлиги ҳисобланади.

Объектив томондан жиноят муттасил равища дўппослашда ёки бошқача ҳаракатлар билан қийнашда ифодаланади, бунда Жиноят кодекси 104-, 105- моддаларида назарда тутилган оқибатлар келиб чиқмаган бўлиши керак.

Қийнаш – кўп маротаба ёки узоқ вақт давомида оғриқ етказиш билан боғлиқ ҳаракатлар, чимчилаш, савалаш, тўмтоқ ёки ўткир учли нарсалар билан кўплаб, аммо унча катта бўлмаган шикастлар етказиш, қиздирилган буюмлар билан таъсир кўрсатиш ёки бошқа шунга ўхшаш ҳаракатлардир. Қийнаш жабрланувчига оғир жисмоний ва руҳий азоб, оғриқ, азият беради.

Шахсни жиноий жавобгарликка тортиш учун айбдор ҳаракатида ва жабрланувчига етказилган жисмоний ва руҳий азоб ўртасидаги сабабий боғланиш аниқланиши лозим.

Дўппослаш жабрланувчи баданига кўп маротаба зарбалар бериш, уни уриш билан характерланади.

Қийнаш сифатида баҳоланадиган бошқа ҳаракатлар деганда, санаб ўтилганлардан ташқари уйқудан, овқатдан, сувдан маҳрум қилиш, совуқ жойда сақлаш, боғлаш, тишлиш ва бошқаларни тушуниш лозим.

Қийнашда муттасиллик жиноят ҳуқуқи ва жиноят-процессуал ҳуқуқи каби жиноятни уч карра ва бундан ортиқ марта содир этишдан иборат бўлиб, бу ҳаракатнинг доимийлигидан, такрорийлигидан далолат беради. Шуни таъкидлаш керакки, муттасиллик шунчаки айни битта жиноий қилмиш такрорланишинигина эмас, балки унинг ҳаракатларида муайян умумий режа намоён бўлишини ёки айбдорнинг муайян жиноий кўникмалари мустаҳкамланиб

боришини кузатиш мумкин бўлган бир қатор ҳаракатларнинг мавжуд бўлишини назарда тутади – унинг бир неча бор тақрорланган жиноий қилмишлари бир-бiri билан боғлиқ бўлиши керак.

Жиноят дўппослаш ёки бошқача ҳаракатлар билан қийнаш муттасил равишда содир этилган пайтдан эътиборан тамом бўлган деб топилади.

Субъектив томондан жиноят қасдан содир этилади. Қилмишнинг мотиви ва мақсади жиноятни квалификация қилиш учун аҳамиятсизdir.

Ушбу **жиноятнинг субъекти** 16 ёшга тўлган ҳар қандай шахс бўлади.

Кўриб чиқилаётган модданинг 2-қисмida:

- 1)** вояга етмаган шахсга нисбатан;
- 2)** ҳомиладорлиги айбдорга аён бўлган аёлга нисбатан;
- 3)** ожиз аҳволдаги айбдорга аён бўлган шахсга нисбатан содир этилган қийнаш учун жавобгарлик назарда тутилган.

Эҳтиётсизлик орқасидан баданга оғир ёки ўртacha оғир шикаст етказиш (ЖК 111-моддаси)

Объектив томондан жиноят эҳтиётсизлик орқасидан баданга оғир (ЖК 111-моддаси 1-қисми) ёки ўртacha оғир (ЖК 111-моддаси 2-қисми) шикаст етказиша ифодаланади.

Субъектив томондан жиноят эҳтиётсизликдан, жиноий ўз-ўзига ишониш ёки бепарволик оқибатида содир этилади.

Айбдор ҳаракатлари қасдан содир этилганда ва бунинг натижасида жабрланувчига ЖК 104-моддаси 1-қисми ёки 105-моддасидаги тан жароҳатлари етказилса, айбдорнинг эса уларга кўзи етмаса, лекин кўзи етиши лозим ва мумкин бўлса, унинг ҳаракатлари ЖК 111-моддасининг тегишли қисми билан квалификация қилиниши лозим.

Эҳтиётсизликдан енгил тан жароҳати етказиш жиноий жавобгарликни келтириб чиқармайди.

Эҳтиётсизлик орқасидан икки ёки ундан ортиқ шахс баданига ўртacha оғир ёки оғир шикаст етказиш ЖК 111-моддаси 3-қисмига асосан жавобгарликни келтириб чиқаради.

Агар эҳтиётсизлик орқасидан баданга ўртacha оғир ёки оғир шикаст етказилса ва бу ЖКнинг тегишли моддаларида берилган маҳсус қоидаларини бузиш

оқибатида юз берган бўлса, қилмиш тегишли моддалар бўйича квалификация қилинади (масалан, ҳаракат хавфсизлиги қоидалари, меҳнат хавфсизлиги, тоғкон, қурилиш ёки ёнғинга хавфли ишларнинг хавфсизлик қоидалари, санитария-эпидемиологик нормативлар ва бошқ.)

Жабрланувчининг ўлимига сабаб бўлган эҳтиётсизлик орқасида баданга шикаст етказиш ЖК 102-моддасига асосан квалификация қилинади.

Вилоят судининг судья катта ёрдамчиси Ж.Убайдуллаев